


НАРХЛАР

Нарх индексларининг ўзгариши (январь–июнь ҳолатига) (нарх–навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик ўсиш суръати		Июнь ойини ўтган йилнинг декабрь ойига нисбати	
	2016 й.	2017 й.	2016 й.	2017 й.
Истеъмол нархлари индекси	0,4	0,9	2,5	5,2
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси	1,4	1,5	8,9	9,6

Истеъмол нархлари индекси (январь–июнь ҳолатига)

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)




2017 йилниг биринчи ярим йиллигида 2016 йилнинг мос даврига нисбатан озиқ–овқат товарлари нархларининг ўсиш тенденцияси ҳамда хизматларнинг пасайиш даражаси билан тавсифланади. Шу тариқа, яққол инфляциян жараёнлар озиқ–овқат товарлари динамикасида ўзини намоён қилди, бунда ўртача ойлик ўсиш суръати 1,0 фоизни, 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида 5,9 фоизни ташкил этди. Хизматлар 3,9 фоизга, ўртача ойлик ўсиш сурати эса 0,6 фоизга қимматлашди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси

(январь–июнь ҳолатига)

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)



2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида 2016 йилнинг мос даврига нисбатан нархларнинг бирмунча тез ўсиши тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти товарлари нархларининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб йил бошидан нархлар 10,9 фоизга ошган. Нархларнинг бирмунча кескин кўтарилиши 2017 йилнинг июнь ойи ҳолатига тўғри келади (10,3 фоизга), бунда, Молия Вазирлигининг реестрига асосан хом нефт ва табиий газ ва конденсат нархлари ўзгариши сабаб бўлди.

2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш фаолияти жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмади (ўсиш сурати 0,1 фоиз), 2016 йилнинг мос даврида эса нархларнинг ўсиш даражаси 9,0 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

Ишлаб чиқариш саноати нархлари 2017 йилнинг январь–июнь ойларида ўртача 1,7 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг мос даврида эса 1,6 фоиз).

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 2017 йил 6 ойи давомида ўсиш 0,8 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь–июнь ойларида 0,4 фоиз).

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(январь–июнь ҳолатига)

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)

	2016 й.	2017 й.
Саноат фаолияти	108,9	109,6
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	101,2	110,9
Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	101,0	113,6
Металл рудаларини қазиб олиш	100,0	101,0
Ишлаб чиқариш саноати	109,9	110,6
Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,8	101,9
Ичимликлар ишлаб чиқариш	120,6	108,5
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	106,8	110,2
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,2	106,8
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	106,0	106,9
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	139,4	113,3
Металлургия саноати	114,0	118,6
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	118,9	103,2
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	117,7	104,9
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	102,8	137,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	109,0	100,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	102,6	105,2

